

Xabar

6

(1012)-son

10-fevral

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистонда рақамли телевидение:

кеча, бугун, эртага

Ўзбекистонда илк рақамли теледастурлар Тошкент ва Бухоро тажрибавий ҳудудларида 2008 йилнинг 1 сентябридан эфирга узатила бошланганди. Орадан уч ярим йил ўтиб, эндиликда мамлакатимизда 500 мингдан ортиқ киши рақамли теледастурларни томоша қилишмоқда. Бундай имконият Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари аҳолисига тақдим қилинган. Бир қарашда 500 минглик томошабин қисқа вақт ичида яхши кўрсаткич, аммо яна миллионлаб кишилар рақамли телевидение имкониятлари, қулайликлари ва унга уланиш тартибларидан хабардор эмас.



5-бет

Сўнги янгиллик!

"Билайн" алоқа оператори LTE (Long Term Evolution) протоколи бўйича ишлайдиган тўртинчи авлод мобил тармоғининг синов эксплуатациясини йўлга қўйди. "Билайн" 4G тармоғи учун ускунани Huawei Technologies Co., LTD компанияси етказиб берди.



"Ўзбекистонда телекоммуникациялар бозори дунёнинг қўллаб бошқа мамлакатларига нисбатан тезроқ ривожланмоқда ва "Билайн" LTE тармоғининг ишга туширилиши - бунинг навбатдаги тасдиғидир", - қайд этди "Юнител" МЧЖ Бош директори Андрей Сафронюк.

LTE технологияси - бу учинчи авлод уяли алоқа тармоқларининг асосий йўналиши ҳисобланади. Бугунги кунда 4G 100 Мбит/с атрофидаги максимал тезликда 20-80 Мбит/с орасидаги кенг полосали мобил хизматлар тезлигини таъминлайди.

Алоқа оламида

Ушбу сонда:

Қадрлар салоҳияти имкониятлар ва шароитлар	2
Долзарб вазифалар	3
3D-технология тиббиётга кириб келди	4
Для дальнейшего развития компьютеризации и ИКТ на местах	6
Тоғда телефон қўнғироғи	12
Бобур — дилбар шахс	16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Jumadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 6 феврал куни Оксаройда Украина ташқи ишлар вазири Константин Гришченкони қабул қилди. Музокарада Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Республикада вилоятларида фаоллар йиғилишлари ўтказилмоқда. Йиғилишларда вилоятларни 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2012 йилдаги энг муҳим устувор вазифалар таҳлил қилинаптир. Ана шундай йиғилишлар Самарқанд, Жиззах, Навоий ва Бухоро вилоятларида бўлиб ўтди.

Тошкентдаги Турин политехника университети академик лицейида ёшларни ўқитиш ва иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Туркистон" саройида 5-6 феврал кунлари Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган концерт бўлиб ўтди. "Баҳор шукухи" деб номланган мазкур дўстлик ва санъат кечаси Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Алишер Навоий номидаги Намаangan вилояти мусиқали драма ва комедия театри ҳузурида Ёшлар театр студияси ташкил этилди. Тақдимот маросимида Ёшлар театр студиясининг илк ижод маҳсули — "Адашганлар" спектакли намойиш этилди.

Малайзияда инглиз тилида нашр этиладиган "New Straits Times" газетаси саҳифасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи "Ўзбекистон маҳобати" ("Splendours of Uzbekistan") сарлавхали мақола chop этилди. Ранг-баранг суратлар билан безатилган ушбу мақола малайзиялик журналист Залина Моҳд Сом қаламига мансуб бўлиб, унда муаллифнинг "Мега-инфо-тур" дастури доирасида Ўзбекистон бўйлаб ижодий сафари чоғида орттирган таассуротлари қозоғга туширилган.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хайъатининг навбатдаги йиғилиши долзарб бўлган ушбу масалаларга бағишланди. Йиғилишни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Ишанходжаев бошқарди.

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ

Имкониятлар ва шароитлар

Хайъатда дастлаб Агентликнинг кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи Ф.Сафарова "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳолати, ушбу масалада корхона раҳбарларининг масъулияти ҳамда соҳада кадрлар захираси ҳолати" тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи Агентлик тизимида кадрлар тайёрлаш масаласи стратегик жиҳатдан устувор йўналишлардан эканлигини таъкидлаб, бу борадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида батафсил сўз юритди.

Маълумки, соҳада олий маълумотли мутахассислар бугунги кунда Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида 15та бакалаврият таълим йўналишлари ва 13та магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланмоқда. Университет ва филиалларда 2010-2011 ўқув йилида таълимни ишлаб чиқаришга йўналтириш мақсадида, соҳа корхоналарида 1352та бакалаврият ва 131та магистратура босқичини битирувчи талабаларнинг амалиёти ташкил этилди, битирув малакавий ишларнинг 68 фоизи ва магистрлик диссертация ишларининг 70 фоизи соҳа корхоналари буюртмалари асосида бажарилди ҳамда уларга корхона мутахассислари илмий раҳбарлик қилдилар.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида раҳбар кадрларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ҳамда унинг қошидаги Олий бизнес мактабида амалга оширилиб келинмоқда. 1996 йилдан буён Академиянинг жами 40 нафар соҳа ходими таъминланган. Академияда бугунги кунда уч нафар раҳбар мутахассис таълим олмақда. Ўтган вақт давомида Олий бизнес мактабида 12 нафар ходим ўқиди. Айни пайтда олти нафар мазкур мактабда таълим оляпти. Академия ва Олий бизнес мактабида таълим олаётган саккиз нафар

Тошкент ахборот технологиялари университети ва филиалларида 2012 йилда 28та номзодлик, 5та докторлик, 2013 йилда эса 23та номзодлик, 3та докторлик, 2014 йилда 20та номзодлик, битта докторлик диссертацияси химоялари режалаштирилган.



РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ:

2009 йилда
9169 нафар ходим ўқитилган: 86 фоизи малака оширган, 14 фоизи қайта тайёрланган.

2010 йилда
11693 нафар ходим ўқитилган: 92 фоизи малака оширган, 8 фоизи қайта тайёрланган.

2011 йилда
14786 нафар ходим ўқитилган: 91 фоизи малака оширган, 9 фоизи қайта тайёрланган.

Соҳа корхоналари томонидан ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга:

2009 йилда
506 285,76 минг сўм;
2010 йилда
457 923,32 минг сўм;
2011 йилда
559 215,39 минг сўм
маблағ ажратилган.

дан тингловчи раҳбар кадрлар захирасига киритилган.

Агентлик ва унинг тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбар кадрлар захираси 1214 нафар номзоддан иборат бўлиб, 13 фоизини 25-30 ёшдаги, 40 фоизини 31-39, 26 фоизини 40-45, 14 фоизини 46-50, 5 фоизини 50 ва ундан юқори ёшдаги кадрлар ташкил этади. Захирадаги кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, амалиётини таш-

ҲАЙ'АТ ЙИГ'ИЛИШИДА

кил этиш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

Хайъат кун тартибидagi иккинчи масала — "ТАТУ ва ҳудудий филиаллар ўқув-методик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва хўжалик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурида"ги моддий-техника базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ўқув-методик ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича бажарилган ишлар ва раҳбарларнинг масъулияти тўғрисида" Тошкент ахборот технологиялари университети илмий ишлар бўйича проректори А.Холжигитов маъруза қилди. Маърузачи ҳозирги кунда университет ва филиалларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 17та корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланганини, улардан бтаси Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация бозорида фаолият олиб бораётган хориз корхоналари билан тузилган шартномалар эканлигини қайд этди.

Университет ва филиаллардаги барча маъруза дарслари мультимедиа воситалари (проектор ва электрон доска, моторли экран)дан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. 2010 йил декабр ойида Васийлик кенгаши ҳисобидан 150 млн. сўмга 100та компьютер ва 15та ноутбук, 31та проектор ҳамда моторли экран олинди ва университетдаги барча маъруза синфлари, 8та мультимедиа синфи ўқитишнинг замонавий техник воситалари билан таъминланди. 2010-2011 йилларда университет ва филиалларда соҳа корхоналари билан ҳамкорликда 37та ўқув лаборатория синфлари ташкил этилди. ТАТУнинг барча ҳудудий филиалларида инглиз тилини махсус дастур асосида мукамал ўрганишга мўлжалланган, энг замонавий компьютер ва мультимедиа жиҳозлари билан жиҳозланган лингафон синфлари ташкил этилди.

Жанубий Корея, Хитой, Испания, Нидерландия ва бошқа мамлакатларда университетнинг 23 нафар магистрант ва докторант таълим олмақда, бундан ташқари, Самарқанд филиалининг тўрт нафар ходими Россия Федерацияси олий таълим муассасалари аспирантура ва магистратурасига қабул қилинди. Қарши филиали бир нафар битирувчиси Жанубий Кореянинг Юнъян университетига юборилди.

Йиғилишда "Ўзбектелеком" АК бош директори М.Маҳмудов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, ТАТУ ўқув ишлари бўйича проректори Х.Соатов, "Алском" сугурта компанияси бош директори Т.Иминов кун тартибидagi масалалар бўйича учраётган камчиликлар, муаммоларни бартараф этиш борасидаги ўз таклифларини билдирди.

Хайъатда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ФАКТ

Ucell ("COSCOM") мобил алоқа операторининг 2011 йилдаги тушуми 2010 йилдагига нисбатан 8 фоизга ошди ва 260,246 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Компания ҳисоботида келтирилишича, бунинг 30 фоизи қўшимча хизматлар ҳиссасига тўғри келади. Айниқса, мобил интернет йўналиши шиддат билан ривожланмоқда.

Пойтахтимиздаги муҳташам бинода жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини амалга оширишнинг долзарб вазифалари" мавзусида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.



Долзарб вазифалар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутасаддилари томонидан ташкил этилган ушбу семинарда республикамизнинг барча вилоятлари ахборот-кутубхона марказлари, ахборот-ресурс марказлари ҳамда кутубхоналар раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этишди.

Семинарни ўтказишдан асосий мақсад ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳаким Муҳитдинов, жумладан шундай деди:

— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги 381-қарори республикамиздаги ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарни самарали ривожлантириш ва улар фаолиятини белгилловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасидаги аниқ вазифаларни белгилаб берган эди. Ана шу қарордан келиб чиқиб, ўтган йили қабул қилинган "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур соҳани янада тараққий эттиришга хизмат қилиши билан диққатга сазовордир.

Ушбу Қонуннинг асосий мақсади ахборот-кутубхона фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, фуқароларнинг ахборот-кутубхона институтларида сакланаётган ахборотлардан эркин фойдаланишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашдан иборатдир.

Қонунида ахборот-кутубхона институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш, фонддини тўлдириш, ҳисобга олиш, саклаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ахборот-кутубхона институтлари ҳамда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, айниқса, айрим тоифадаги фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш

нинг алоҳида шартлари белгиланиши билан янада аҳамиятлидир. Шу билан бирга, ушбу Қонун орқали ахборот-кутубхона иши соҳасида давлат сиёсатини белгилаш ва ахборот-кутубхона қонунчилиги асосида ахборот-кутубхона институтлари фаолиятини давлат томонидан бошқариш механизми ҳам яратилди. Шунингдек, Қонун янги типдаги ахборот-кутубхона муассасалари тизимини, уларнинг мақоми, функцияларини ҳар томонлама ёритиб берди. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражага кўтариш, китобхонларнинг илмий, таълимий ва маданий эҳтиёжларини тезкор равишда, замонавий ахборот технологияларига таянган ҳолда қондириш мақсадида ахборот-кутубхона муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар

асосида ўзаро фойдаланиш ва алмашиш нормалари аниқ кўрсатилганлиги, Қонуннинг бир қатор моддалари янги қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқишни талаб этиши каби мавзуларда мулоҳаза юритишди.

Республика ахборот-кутубхона маркази директори А.Ишматов, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Умаровлар ҳам муҳокама этилаётган мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Қонуннинг иккинчи ярмида ўтказилган "Ахборот-кутубхона муассасаларининг Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорлигининг долзарб масалалари" мавзусидаги семинар-тренинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги ахборот-кутубхона мар-

казлари раҳбарлари ва етакчи мутахассислари учун ташкил этилган бўлиб, унда самарали ахборот алмашинувига эришиш мақсадида корпоратив тизимда ишлаш масаласи муҳокама этилди. Иштирокчилар Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

иш жараёнига жорий этилган янги автоматлаштирилган кутубхона тизими ҳамда Миллий кутубхона ахборот-коммуникация технологияларининг функционал имкониятларидан фойдаланиш, "Метрафор" компанияси томонидан ишлаб чиқилган ва Миллий кутубхона иш жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган янги автоматлаштирилган кутубхона тизими тўғрисидаги материаллар билан танишдилар.

Тренинг давомида бир қатор маъруза ва тақдимотлар ўтказилди.

Жумладан, "Корпоратив тизимда электрон кутубхоналарни яратиш" мавзусидаги тренинг ТошДМИ доценти У.Каримов ҳамда Республика йўғма электрон каталог маркази директори А.Мансуровлар томонидан самарали ахборот алмашинуви, библиографик ёзувлардан фойдаланиш, йўғма электрон каталогни шакллантиришнинг асослари масалаларига бағишланди.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири

Сўз — семинар иштирокчиларига:

Мавжуда
ҒАФУРОВА,
А.Қодирий номидаги
Навоий вилояти АКМ
бўлим мудир:

— Семинар бошланиши олдида Миллий кутубхонамиз билан танишиб чиқдик. Кутубхона заллари, у ердаги озодалик ва ишонамлик, хоналарга ўрнатилган сўнги русумдаги технологияларни кўриб, тўғрисида айтсам, юрагим ҳаттиқиб кетди. Бу эътибор учун буржурмачи идора — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарларига миннатдорчилик билдираман. Республикада кутубхоначилик ишлари ривожлантиришга бўлган юксак эътибор бизни доимо янги зафарлар сари руҳлантириб туради.

Шоҳида
ХЎҲАЕВА,
Ўзбекистон Давлат
консерваторияси АРМ
директори:

— Кутубхоначилик соҳасида 32 йилдан бери фаолият юритаман. Ва биз кутубхоначилар меҳнатига бугунги эътибордан беҳад миннатдорман.

Бугунги семинар ҳақида гапирар экан, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бизнинг бир неча йиллик орзуимиз эди. Ва семинарда ана шу Қонун қонуности ҳужжатлари, Қонундан келиб чиқиб олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида тўғрисида маълумотга эга бўлдим. Республикада ҳуқуқати бизнинг самарали фаолият юритишимиз учун барча шароитни яратиб берган экан, биз ҳам шунга яраша астойдил меҳнат қилаверамиз.

ЎзААА Бош директори Ҳ.Муҳитдинов:

— Қисқа фурсат ичида барча ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларидаги, кутубхоналардаги китобларнинг электрон каталогини ҳамда электрон шаклини яратиш лозим. Бу борада ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Токи бир АКМда компютерда кўчирilib, электрон кўриниши тайёр ҳолга келтирилган китобни бошқа жойда кўчириб ўтирмайсизлар. Бу борада интернетнинг имкониятларидан фойдаланмоқ зарур.

билан таъминлашнинг ҳуқуқий нормалари ҳам унда ўз аксини топди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Илҳом Абдуллаев ва қўмита аъзоси Ҳафиза Каримовалар ўз маърузалари билан иштирок этишди. Улар ўз чиқишларида ушбу Қонунни амалиётга жорий этиш масалалари, унинг ижросини таъминлаш ва қатор моддаларида ахборот-кутубхона муассасаларининг кутубхона фондларини шакллантириш, уларнинг сакланишини таъминлаш, электрон каталог ва электрон кутубхоналарни яратиш ҳамда яратилган ахборот ресурслардан ахборот-коммуникация технологиялари

Ҳазрат Навоийи ге'гуларку...

Хуш гурур боаи қонот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

Қисқа сатрларда

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китоби ўзида ноёб маълумотларни мужассам этгани сабаб бугунги кунда кенг омма эътиборида бўлиб, қизиқиш билан ўрганилмоқда. Жойларда асар моҳиятини чуқур ўрганиш, уни жамоатчилик эътиборига етказиш мақсадида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда. Сўх туман ахборот-ресурс марказида ҳам Президент асари асосида суҳбат ташкил этилди.
Аскаралӣ АНБАРЖОНОВ

Маълумки, шу йилнинг 19 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодийни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтган эди. Ушбу маърузани атрофича ўрганиб, уни тарғиб қилиш бўйича жойларда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда А.Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида бўлиб ўтди.

Жамила БОБОМУРОВА,
Навоий вилоят АКМ илмий-услугият
бўлими мудир

Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази маъмурияти томонидан 2012 йил бошидан АКМ ходимлари малакасини янада ошириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2012 йилнинг феврал ойидан бошлаб "Ахборот-коммуникация технологиялари асослари ва компютер саводхонлиги" бўйича малака ошириш ўқув дарслари жорий этилди.
Махбуба КУЛОВА,
АКМ бўлим мудир

Xalqaro
hayot

ГРЕЦИЯ Евроиттифокни ноқонуний муҳожирлар оқимидан химоя қилиш мақсадида Туркия чегарасида девор қурмоқчи. Associated Press агентлигининг хабар беришича, тиканли сим қопланган бу деворнинг баландлиги тўрт метр, узунлиги эса 10 километр бўлиб, Греция шимоли-шарқидagi Кастаниес қишлоғидан Неа Висса қишлоғигача боради. Девор видеокамералар ва ҳаракат датчиклари билан жиҳозланади. Март ойида бошланиб, сентябрда тугалланадиган ушбу қурилиш уч миллион еврога яқин баҳоланмоқда.

Греция билан Туркия ўртасидаги қуруқликдаги чегара 200 километрдан ортқини ташкил этади, катта қисми эса Эврос дарёсидан ўтади.

ЕВРОПАда ой бошида ноқонун газ ва электр энергиясининг улгуржи нархи бирдан кўтарилди. The Independent ёзишича, газ нархи охириги олти йилдагига қараганда энг юқори даражага етган. Лондон биржасида 28 фоизга қимматлашиб, минг кубометри 520 долларга баҳоланган.

Газ нархининг бу қадар ошиб кетишига минтақадаги кескин совуқ ҳамда йирик компаниялар томонидан Европада газ экспортининг қисқартирилиши сабаб бўлган.

ФОРС КЎРФАЗИ мамлакатлари ҳамкорлик кенгаши, ниҳоят, Суриядан ўз элчиларини қақриб олишга ва Дамашқнинг ўз ҳудудларидаги дипломатик ваколатхоналарини ёпишга қарор қилди. Сурия президенти Башар Асаднинг тинч аҳолига қарши олиб бораётган ҳаракатига жавобан шу қарорга келинди. "Айни дамда кенгашига бошчилик қилаётган Саудия Арабистони Қироллиги маълум қиладики, Форс кўрфазини мамлакатлари ўз элчиларини Суриядан қақриб олишга қарор қилди, шунингдек, Сурия дипломатларидан зудлик билан ериминизни тарк этишларини талаб қиламиз", — дейилади кенгаши қарориди.

Сал авалроқ Испания, Италия, Франция, Буюк Британия ва бошқа Европа мамлакатлари Суриядан элчиларини қақриб олганди.

ИРОҚ СУДИ "Ал-Қоида"га алоқадорлиги ва террорчилик фаолияти учун бир саудияликни ўлим жазосига ҳукм қилди. Аниқланган маълумотларга кўра, террорчи 2008 йилдаёқ "Ал-Қоида"нинг Ироқдаги Мосул шаҳри амри сифатида иш юритган. 2004 йилда Ал-Фаллужда америкаликлар билан жангга қатнашган ва оёғидан ажралган.

Эслатиб ўтамиз, олдин ҳам Ироқда қиролликнинг 108 фуқароси судланганди. Уларнинг айримлари терактлар содир қилганликда, айримлари эса мамлакатга ноқонуний кирганликда айбланган. Икки нафарига ўлим ҳукми ўқилган бўлса, 18 нафари умрбод қамоқ жазосига тортилган.

ВЕНЕЦИЯда сўнгги 80 йил ичида биринчи марта каналлар музлаб қолди. Ҳаво совуқ бўлишига қарамай, анъанавий Венеция қарнавали бекор қилинмади. Қарнавалнинг расмий очилиш маросими 11 февралга белгиланган, аммо тантаналар 4 февралдаёқ бошланган.

Боснияда эса қидирув-қутқарув ишлари тўхтатилгани йўқ. Қутқарув хизматлари машинаси қорга тикилиб қолган ҳайдовчиларга ёрдам берапти. Машинада бориб бўлмайдиган ҳудудларда вертолётлардан фойдаланишга тўғри келмоқда.

Хорватияда ўйлаб қишлоқлар ташқи дунёдан узилиб қолган. Икки метрли қор уюмлари махсус техникалар ҳаракатига тўсқинлик қилмоқда.

3D-технология
тиббиётга кириб келди

Белгия ва Нидерландия шифокорлари ҳамкорликда фаройиб жарроҳлик амалиёти ўтказишди. 83 ёшли аёлнинг инфекция натижасида шикастланган пастки жағ суягини ундан олинган нусха асосида уч ўлчамли принтердан чиқарилганига алмаштириб ўрнатилди.

Бу жарроҳлик тарихида инсон танаси қисмларидан бирининг илк мартаба 3D-моделга алмаштирилишидир.


Жағ асоси титандан бўлиб, унинг ташқи қопламаси органик моддага яқин ва махсус 3D-принтерда "чоп

этилган" ва "лазерли эритиш" ёрдамида титан асосга маҳкамланган.

Маъмур ишни амалга оширган Xilloc компанияси маълум қилишича, жағ суяги муҳандислик фаолиятида аввалдан қўлланиб келатган анъанавий 3D CAD-техноло-

гиялари ёрдамида лойиҳаланган.

Хабарларга кўра, бемор жарроҳлик амалиётидан бир сутка ўтиб гапирга олган ва янги тишлари ёрдамида юмшак овқат тановул қилмоқда. Шифокорлар яна бир ой беморнинг ҳолатини кузатиб боришмоқчи.

Киберхужумнинг
каттаси

Reuters ахборот агентлиги хабар тарқатишича, жаҳондаги энг йирик DNS оператори — Verisign компанияси 2010 йилдан бери доимий хакерлик ҳужумлари нишонига айланиб келмоқда, баъзи ҳолларда кибержиноятчилар компаниянинг ички тармоқларига қира олганлар.

Эслатиб ўтамиз, Verisign .com ва .net доменлари маъмури бўлиб, уларнинг рисоладагидек фаолияти учун маъсул ҳисобланади. Шунингдек, Verisign интернетнинг бир нечта асосий домен серверларига хизмат кўрсатади. Бу мабодо улар қақидаги ахборот хакерлар қўлига ўтса, исталган домен номи ва сайтни ўзлари истаганча бошқаришлари мумкинлигини аналатади. Ҳозирда Verisign серверлари бир кеча-кундузда жаҳон бўйлаб фойдаланувчилар ва интернет-провайдерларнинг 50 млрд. атрофидаги сўровларини ишламоқда.

Ахборот хавфсизлиги бўйича мустакил экспертлар хакерларнинг Verisignга қизиқишини компания интернетдаги сайтларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи SSL-сертификат бериш ҳуқуқига эга жаҳондаги энг йирик ташкилот эканлиги билан изоҳлашапти. SSL-сертификатни қалбақлаштириш ва DNS-серверлардаги ёзувларни ўзгартириш орқали кибержиноятчилар фойдаланувчиларни ҳар қандай, ҳатто энг йирик сайтларнинг ҳам "клон"ига йўллаш имконини мумкин.

Verisign компанияси хакерлик ҳужумлари борасида бирон-бир шахр беришдан бош тортиди.



АТ-хабарлар



Американиннг хотира чиплари ишлаб чиқарувчи йирик компанияларидан саналган Micron Technology қурбаси 51 ёшли Стив Эплтон авиаҳалокат қурбонига айланди. Воқеа ўтган жума кунни бир моторли самолёт билан юз берган.

Иқтисодчилар шундоқ ҳам бозордаги оғир рақобат шароитида фаолият юритаётган компания учун қутилмаганда раҳбардан жудо бўлиш барқарорликни келтириб чиқаради, деган хавотирдалар.

Август ойида Micronдан кетишни режалаштираётган компания президенти ҳамда амалиётлар бўйича директор лавозимида фаолият юритиб келатган Марк Дункан марҳум Эплтоннинг вазифаларини ҳам ўз зиммасига олди.



IHS iSuppli компанияси маълум қилишича, 2012 йили жаҳон миқёсида LTE-тармоқлар бунёд этиш учун 8,7 млрд. АҚШ доллари сарфлангани кутуляпти, 2013 йили бу кўрсаткич уч баравар ошиб, 24,3 млрд. долларни ташкил этади. Айни пайтда жаҳон бўйича 200дан ортқ LTE тижорий тармоғи ишлатилляпти.



Япониянинг Sharp компанияси суяқ-кристалл экранли телевизорлар нархи кескин пасайиб кетиши ва йирик солиқ тўловлари туфайли жорий молиявий йилда ўз тарихидаги энг йирик зарарга учраши мумкин. Компания прогнозида март ойида ниҳоясига етадиган молиявий йилдан Sharp 290 млрд. иена ёки 3,8 млрд. долларга тенг йўқотиш билан чиқиши қайд этилган.

Маъмур хабардан сўнг компания акциялари баҳоси 4,3 фоизга пастлаб, бир дона акция баҳоси 628 иенани ташкил этди.



IBM корпорациясининг Европадаги энг йирик бўлинмаси Германияда жойлашган. Ишбилармонлар наشري Hasselbladнинг хабар тарқатишича, маъмур бўлинма фаолиятини унчалик ҳам қониқарли деб бўлмайдди, негаки, яқинда корпорация бу ердаги 8 мингта иш ўрнини қисқартирмоқчи деган хабарлар тарқаб кетди. Бўлинмада шу пайтгача 20 минг киши ишлаб келатганди.

Умуман олганда, жаҳон бўйлаб IBMга қарашли шохобчаларда 427 000 киши меҳнат қилмоқда.



Руминия прокуратураси АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари талабига кўра, Пентагон ва НАСА ахборот ресурсларини бузганликда айбланаётган 20 ёшли Равзан Маноле Цернянуни ҳибсга олди. АҚШ румин хакерини ахборотдан ноқонуний фойдаланиш, ёпиқ маълумотларни ўғирлаш каби жиноятларда айблаяпти. Бу ҳаммаси эмас, Церняну, шунингдек, Британия Қироллик флотини, Европа космик агентлиги серверларини ҳам ишдан чиқариб ном қозонганди.

Равзан Руминия университетларидан бирининг талабаси бўлиб, онлайнда TinCode номи остида фаолият кўрсатиб келган. У шахсий блогда НАСА ва Пентагон серверларини ишдан чиқарувчи дастурни жойлаштиришдан ташқари, хавфсизлик тизимларини қандай четлаб ўтишни ҳам батафсил тушунтириб берган.

(Давоми.Бошланиши 1-бетда.)

Рақамли телевидение қулайлиги ва имкониятлари нимада?

Тараққиёт бир жойда тўхтаб турмайди. Механик тамойилга асосланган биринчи телевизион тизимларда тасвирлар сифати бугунги ўлчовлар билан қаралганда жуда паст бўлган. Телевидение электронлашганидан сўнг

ресурсларини исталган вақтда сўраб олишни аниқлади. VODнинг биринчи тижорий ишга туширилиши Гонконгда 1990 йилларда амалга оширилган. АКШ бу хизматни 2000 йилнинг январида Гавайи оролларида жорий қилган, ҳозирги кунга келиб эса бутун мамлакатда ушбу хизмат кўрсатилади. Авваллари бу хизмат кабел орқали кўрсатилган бўлса, эндиликда рақамли ТВ узатиш тизимига кириб

телевидениега қандай уланилади?

Бунинг учун ташқи дециметрли антенна ва тюнер зарур. Навоий шаҳрида "TELMAX ELEKTRONIKS" ИЧК МЧЖ томонидан тюнерлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. "UZDIGITAL TV" МЧЖ ўша тюнерлар асосида рақамли телевидениени улаб беради. Улаш нархи асосан тюнер қийматига боғлиқ ва компания унинг нархини доимий равишда туши-

шаҳри ва Тошкент вилоятидаги миқозлар маҳаллий UzHD телеканалдан ташқари яна юқори сифатли тасвир форматда учта телеканални томоша қилишмоқда.

Келгуси режалар

2012 йилда бутун Ўзбекистонни рақамли телевидение билан қамраб олиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун Навоий, Жиззах, Сирдарё ва

Ўзбекистонда рақамли телевидение: кеча, бугун, эртага

ҳақиқатда фаол ривожлана бошлади. Биз кўриб ўрганган аналог электрон телевидение шу даражада сифат босқичига кўтарилдики, унинг келажакда янаям такомиллашиши мумкин эмасдек эди. Бироқ рақамли технологияларнинг ахборотни аналог тартибда узатувчи технологияларни сиқиб чиқариш тенденцияси телевидение соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Аналог телевидение ўрнини босқичма-босқич рақамли эгаллай бошлади.

Рақамли телевидениенинг биринчи устунлиги — тасвир сифатида. Узатиш ва қабул қилиш жараёнида тасвирнинг рақамли ишланиши юқори сифатга эришиш имконини беради. Аналог телевидениеда кузатилиши мумкин бўлган турли халақитлар шу тарзда бартараф этилган. Рақамли ТВда телевизион сигналлар билан бирга хатолар коррекцияси коди (error correction code, ECC) ҳам узатилади. Бунда узатувчи антеннадан узок масофада жойлашганлар ҳам худди узатгич яқинидагилар каби бир хил сифатдаги тасвирни қабул қилади.

5.1 форматдаги стереоовоз

Мазкур рақам олти каналли овозни (5 сателлит + сабвуфер) аниқлади. Бунда овоз манбайи ҳақиқатда аудио ахборот томошабинга нисбатан олд ва орқа томондан тўлиқ шаклда сакланиб қолади. Шу тарзда, телевизор кўраётган томошабинга овоз бир йўналишда келмайди, уни ўраб олади.

VOD ва телегид хизмати

Оммавий ахборот йўналишида Video on Demand (VOD) — "талаб бўйича видео" ёки "сўров бўйича видео" омалашиб бораётган. Томошабинлар эндиликда телекўрсатувлар дастурларига қараб қолмасдан, ўзлари хоҳлаган фильм ёки сериалларни ўзлари хоҳлаган вақтда томоша қилишни истайдилар. VOD — маълум ахборот

худудида матларини энди-энди йўлга қўйилмоқда. МДХ VOD хизматини кўрсатиш мақсадида рақамли телеузатишларни амалга оширувчи "UZDIGITAL TV" МЧЖ ҳам келгусида мазкур хизматни йўлга қўйишни режалаштирган.

Телегид — бу барча каналлардаги кўрсатувлар электрон дастури билан телевизорнинг ўзида танишиш имконини берувчи хизмат. Телегидни тўлиқ экранда ёки экраннинг бир қисмида очиб ўқиш мумкин, бунда экраннинг қолган қисми сиз кўраётган фильм ёки кўрсатувни намойиш этаверади. Маълум бир сериал ёки футбол трансляциясини ўтказиб юбормаслик учун телегид орқали эслатма ўрнатиб қўйиш имкони бор. Бунда телевизорнинг бошқа каналда бўлса ҳам, сизга ўша белгиланган намойиш ҳақида бир неча дақиқа аввал эслатади.

Телегидда "ота-она назорати" функцияси ўрнатилган. Бу орқали болаларга қайси каналлар ёки кўрсатувларни кўришга рухсат берувчи рўйхатни тузиш мумкин. Қолган каналларга уланиш эса паролланади. Томошабинлар телегид қулайлигини жуда тез хис этиб, унга ўрганиб қолишади.

Рақамли телевидениеда яна бир қатор бошқа хизматларни йўлга қўйиш мумкин. "UZDIGITAL TV" МЧЖ ҳозирда шу каби қўшимча хизматларни ташкил этиш устида ишламоқда.

Рақамли телевидениега қандай уланиш мумкин?

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кўпчилик хали рақамли телевидениедан фойдаланмайди. Уларда табиий савол турилиши мумкин: рақамли те-

леб боришни режалаштирган. Уланиш ва абонент тўловларини ОАТ "Алоқабанк" кассалари орқали нақд ёки пластик карточкаларда амалга ошириш мумкин. Яқиндан бошлаб тўловларни PAYNET тизими воситасида амалга ошириш ҳам йўлга қўйилди.



UZDIGITAL TVнинг пуллик телеканалларини томоша қилиш учун рақамли қабул қилгич ўрнатилган замонавий телевизорлардан ҳам фойдаланса бўлади. Бунда TeleCARD деб номланувчи қурилма компания офисидан сотиб олинади.

2011 йил натижалари

Ўтган йили рақамли телевидение билан қамралган ҳудудларга Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари қўшилди. Шу тарзда мамлакатимизнинг 13 ҳудудидан 9тасида UZDIGITAL TVнинг рақамли телевидениеси фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, 129-90-00 кўпканалли телефон рақами бўйича компания абонентлари учун техник қўмақ ва маълумотлар хизмати йўлга қўйилди.

МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб HD форматдаги телеканал ишга туширилди. HD телевизор ва тюнерларига эга Тошкент

Сурхондарё вилоятларида рақамли узатгичлар ўрнатилиб, ишга туширилди.

Яна бир режа — мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида узатилаётган телеканаллар сонини 12тадан 24тага етказиш мақсад қилинган.

Юқори сифатли HD телевидениени қўллайдиган абонент қурилмаларини сотувга чиқариш ва ушбу йўналишда миқозлар сонини оширишга қаратилган бир қатор тадбирларни ташкил этиш "UZDIGITAL TV" МЧЖ олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шунингдек, компания ўз миқозларига қулайлик яратиш мақсадида расмий сайтида "шахсий кабинет" очишни режалаштирган. Шахсий кабинет орқали миқозлар ўзларига кўрсатилаётган хизматлар ҳақида маълумот олиши, тариф режаларини ўзгартириши, ўчириши ёки ёқиши мумкин бўлади. Буларни амалга ошириш учун компания офисларига боришга эҳтиёж қолмайди.

Рақамли телевидение энди-энди аҳолимиз орасига кириб бормоқда. Бу жараёнда камчиликлар ҳам, муаммоларга ҳам дуч келиш табиий ҳол. Хизмат кўрсатиш тартибининг мукамаллаштириши, фойдаланувчилар сонининг ортиши ва улардан тушадиган талабларнинг бажарилиши довомида муаммолар ҳам бартараф этилиб борилади. Ҳар қандай технологик эволюциянинг талаби шу. Бизда ҳозир рақамли телевидениега ўтиш эволюцияси жараёни юз бермоқда. 2016 йилга қадар бу жараённи босиб ўтамиз, ўшанда деярли ҳар бир хонадон интерактив рақамли телевидение имкониятларидан бемалол фойдалана олади.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Кўпчиликни қизиқтирадиган саволларга қисқа жавоблар:

Уланиш учун нима қилиш керак?

Уланиш учун яшаётган шаҳрингиздаги компаниянинг рўйхатдан ўтган дилерларига ёки компания офисига ташриф буюриб, шартнома имзолайсиз.

UZDIGITAL TVда уланиш нархи қанча?

Уланиш нархи рақамли ТВ-тюнер қийматидан келиб чиқиб, 230 000 сўм этиб белгиланган.

Абонент тўлови қанча?

Абонент тўлови теледастурлар соми ва тўпламига қараб белгиланади. Тошкент шаҳрида қуйидаги каналлар тўплами миқозларга тақдим этилган:

- "Базали": 12 канал — абонент тўловисиз;
 - "Digital 25": 25 канал — абонент тўлови жисмоний шахсларга 10 000 сўм, юридик шахсларга 13 000 сўм;
 - "Digital 36": 36 канал — абонент тўлови жисмоний шахсларга 15 000 сўм, юридик шахсларга 18 000 сўм;
- Қолган вилоятларда ҳозирда фақат абонент тўлови мавжуд бўлмаган 12 телеканал узатишмоқда.



Маълумотлар uzdtv.uz сайтидан олинди.

ДЛЯ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ КОМПЬЮТЕРИЗАЦИИ И ИКТ НА МЕСТАХ

В целях дальнейшего усовершенствования учета, расширения перечня государственных информационных ресурсов и оказания интерактивных государственных услуг принято Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О мерах по созданию условий для развития компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий на местах" от 1 февраля 2012 года.



Данным постановлением внесены дополнения и изменения в правительственные решения от 20 февраля 2006 г. №27 и от 23 августа 2007 г. №181.

Перечень государственных информационных ресурсов, утвержденный Постановлением Кабинета Министров №27, был дополнен 9 государственными информационными ресурсами. Были также внесены изменения наименований 6 государственных информационных ресурсов, а в Реестр информационных государственных услуг, утвержденного Постановлением Кабинета Министров №181, дополнен 103 наименованиями базовых информационных государственных услуг.

Дополнительно постановлением

определено, что на базе центров компьютеризации при Совете Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятах областей и города Ташкента будут созданы государственные унитарные предприятия — "Центр компьютеризации". На данные предприятия возложены следующие задачи:

- разработка и реализация мероприятий по развитию компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий на местах в соответствии с современными международными тенденциями и стратегией социально-экономического развития регионов;
- ведение и обновление информационных ресурсов, оказание содействия в регистрации созданных и создаваемых государственных информацион-

ных ресурсов и информационных систем в регионах;

- постоянное обновление веб-порталов Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятов областей и города Ташкента, организацию предоставления интерактивных государственных услуг, в том числе по принципу "единое окно";

- осуществление постоянного анализа состояния и перспектив развития информационно-коммуникационных технологий в регионе и на основе его результатов внесение предложений по совершенствованию данной сферы.

Нормативно-методическое руководство деятельностью "Центром компьютеризации" будет осуществляться Узбекским агентством связи и информатизации.

Aci.uz

Встреча с делегацией индийской компании "Infosys"

В Узбекском агентстве связи и информатизации состоялась встреча с делегацией компании "Infosys" — руководителем подразделения офиса компании в Великобритании Сураж Рампраasad и руководителем подразделения офиса компании во Франции Франк Марк Лемэйр.

Основанная в 1981 году с 7 сотрудниками компания "Infosys" в настоящее время является второй крупнейшей ИТ-компанией Индии с общим объемом дохода 6,8 млрд. долл. США. "Infosys" имеет глобальное присутствие с 64 офисами и 68 центрами развития в США, Индии, Китае, Австралии, Японии, Ближнем Востоке,

Великобритании, Германии, Франции, Швейцарии, Нидерландах, Польше, Канаде и многих других странах. По состоянию на 31 декабря 2011 года "Infosys" и ее дочерние компании имеют более 145 тыс. сотрудников. Штаб-квартира компании находится в г.Бангалоре (Индия).

На встрече обсуждены перспективы развития сотрудничества в области организации совместного производства программных продуктов с привлечением местных специалистов.

Aci.uz

Реклама ва эълонлар

ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ ПО НАЙМУ КОМПАНИИ, ДЛЯ ПРОВЕДЕНИЯ ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ КУРСОВ ПО ПОДГОТОВКЕ МОЛОДЫХ ПРОГРАММИСТОВ



1. Предмет тендерных торгов:

Наем компании, для проведения дополнительных курсов по подготовке молодых программистов, из числа наиболее одаренных студентов Ташкентского университета информационных технологий.

2. Вид тендера — открытый.

3. В тендере могут принять участие отечественные негосударственные образовательные учреждения, учебные центры, выполняющие квалификационные требования для участия в тендере, имеющие опыт обучения соответствующих объемов слушателей.

4. Наименование и адрес рабочего органа тендерной комиссии:

Ташкентский университет информационных технологий, 100084, г. Ташкент, Юнусабадский район, пр-т Амира Темура, д. 108. e-mail: tender@tuit.uz; Телефон: (+998 94) 626-33-10; Факс: (8 371) 238-65-52

5. Максимальная цена обучения по тендеру:

400 000 000,0 (четыреста миллионов) сум.

6. Источник финансирования: средства Попечительского Совета Ташкентского университета информационных технологий.

7. Валюта платежа: национальная валюта Республики Узбекистан.

8. Условия оплаты указаны в тендерной документации.

9. Срок начала обучения — 30 банковских дней с даты предоплаты.

10. Предквалификационный отбор претендентов для участия в тендере:

предквалификационный отбор претендентов проводится до вскрытия тендерных предложений по критериям, которые приведены в тендерной документации.

11. Сумма задатка (гарантия тендерного предложения), порядок его внесения, указаны в тендерной документации.

12. Стоимость тендерной документации — 150 000,0 сум. Оплата третьих лиц за тендерную документацию запрещается. Для приобретения тендерной документации необходимо обратиться с запросом в рабочий орган тендерной комиссии.

13. Последний срок приема тендерных предложений — до 15:00 (Ташкентское время) 10 марта 2012 года по вышеуказанному адресу.

КОРОТКО...

● Федеральный конституционный суд Германии поставил точку в многолетней судебной тяжбе между немецким издательством Heise Zeitschriften Verlag и музыкальной индустрией, которая длилась с 2005 года. Во вторник, 31 января, суд отклонил жалобу ряда звукозаписывающих компаний, в частности BMG, Edel, EMI, Sony, Universal и Warner, сообщает Deutsche Welle.

Суд сослался на закрепленную в Конституции ФРГ свободу слова и информации.

● Четверо основателей проекта The Pirate Bay проиграли в шведском Верховном суде свою последнюю попытку апелляции. На практике это означает, что спустя почти три года судебных разбирательств Петер Сундз, Карл Лундстрем, Фредерик Нейж и Готфрид Свартохольм Варг все-таки будут отправлены в места лишения свободы и оштрафованы за участие в деятельности печально известного торрент-трекера. Данное решение является окончательным и не подлежит обжалованию.

● Корпорация Microsoft выпустила программный инструмент, призванный помочь ИТ-администраторам отыскать во введенных им сетях на компьютерах пользователей устаревшие архивные почтовые файлы Outlook PST и конвертировать их в современный Exchange-формат. Второй важной задачей разработки является создание единообразной корпоративной почтовой базы, что существенно облегчает ее архивирование и восстановление в случае аварии.

Новый инструмент PST Capture доступен бесплатно и позволяет в пределах сети автономно искать и конвертировать PST-архивы в форматы Exchange Online или Exchange Server 2010.

● Cisco выводит на рынок точку беспроводного доступа Aironet 3600. Новинка представляет собой, первую в отрасли точку доступа 802.11n с тремя пространственными потоками и четвертой антенной (4x4:3), что позволяет абоненту подключаться к сети с помощью любого беспроводного устройства даже при слабой мощности сигнала. При этом подключение может осуществляться на большем удалении от точки доступа и с более высокой производительностью (до 30 процентов выше, чем у любых других точек доступа).

● Аналитическая компания IHS iSuppli прогнозирует, что в текущем году полупроводниковая отрасль в мире будет расти, однако рост будет минимальным и будет подвержен колебаниям мировой экономики.


ларига эга бўлди. Шундай қилиб, қўзланган режа 700та зиёди билан уддаланди. Биргина Шеробод туманида 12та тоғолди қишлоғи симсиз алоқа воситаси билан таъминланди. Шу билан бирга, вилоят ҳудудидаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, мактаб, боғча, қишлоқ врачлик пунктлари каби инфратузилма объектлари қабул қилинган қарор асосида жиҳозланди.

Яқин келажакда "ЎзМобайл" телефонлари етиб борган манзиллар доираси янада кенгайди. Шунинг учун вилоятда 8та мачта (минора) қурилади. Айни пайтда бу истиқболбоп иш Денов, Узун ва Қизилрик туманларида бошлангиш арафасида. Олиб борилаётган бунёдкорлик ва монтаж ишларида Акмалжон Холиёров, Орзбек Қодиров каби малакали мутахассислар иштирок этмоқда. Шубҳасиз, ўрнатилаётган жаҳон андозаларига мос замонавий қурилмалар алоқа хизмати рақобат майдонидаги "ЎзМобайл" филиали ўрнининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил якунларига бағишланган Республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қўлаб сохалар қатори алоқа тизими ҳам тобора замонавий тарзда тараққий топиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бу баҳо "ЎзМобайл" филиалининг Сурхондарё вилояти бўлими ходимлари кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Улар эл-юрт манфаатлари йўлида сидқидилдан хизмат қилишни фахр деб билишмоқда. Нега деганда, амалдаги ахборот асрининг ўтган даврида "Ўзбектелеком" Ўзбекистоннинг миллий оператори, "ЎзМобайл" эса миллий узли алоқа оператори даражасига эришди. Бундай юксалишлар соҳа хизматчиларига кўтаринки қайфият бахш этгани табиий.

Дарҳақиқат, "ЎзМобайл" филиалининг Сурхондарё вилоят бўлими жамоаси билдирилган ишончга яраша фаолият олиб боришга астойдил бел боғлаган.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Янгиқўрғон Наманган вилоятидаги мева ва сабзавотга ихтисослашган энг гўзал туман.

Янгиқўрғонлик алоқачиларга ҳам туманининг Кўкёр ҳудудидан беш гектарлик ер ажратиб берилди. Туман алоқачилари чинакам боғбону сабзавоткор эканликларини тинимсиз меҳнатда кўрсатишди. Қисқа муддатда 60 туп гайноли, 550 туп олма ниҳоллари кўкка бўй чўзди. 2011 йилнинг ўзидаёқ машҳур "Санта" навли картошкадан салмоқли ҳосил олинди.

Ҳамкорлик пойдевори

Бундан ташқари, янги боғдан 400 кг. семерянка навли олма терилди. Картошка ҳам, олма ҳам алоқачилар дастурхонига тортик қилинди. Бу ишларни сарҳисоб қилишда боғбонлардан Ҳасанбой Фозилов, Анвар Йўлдошевларнинг хизмати алоҳида бўлди. Шу кунларда эса 2012 йил ҳосилнинг пойдевори яратилмоқда.

...Бу ёғи зўр экан, алоқачиларнинг касбий ишлари қай ахволда экан, дерсиз?! Туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Обидхон Зиёев билан мулоқотда бўлдик.

— Интиланганга толе ёр, деганларидек, ишларимизнинг қўламини ёмон бўлмади. Ўтган йилда 178869 минг сўмлик натижага эга бўлдик. Бу, албатта, интернет ва "ЎзМобайл" аппаратларидан фойдаланиш эвазига келган ютуқдир.

Жамоа ходимлари билан юзма-юз суҳбатлашганимизда, бу ердаги кўтаринки руҳни кўриб қувондик. Барча бир ёқадан бош чиқариб ишламоқда. Айниқса, бизнес режасига кирган Янгиқўрғон-Нанай йўналишидаги жасорат ибратга сазовордир. Шу туфайли оптик тоғали кабел тортиш ишлари 100 фонизга бажарилган. Бу ишларни амалга оширишдан ҳеч ким четда қолмади. Нанай, Заркент маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоалари қўйилган вазифа аҳамияти ҳақида эл орасида тарғибот ишларини узлуқсиз олиб боришди. Хайрли ишга интилиш давом этмоқда.

Нанай, Мамай, Исковот, Навкент ҳудудларида ҳам эзгу ишлар ўлчови мустаҳкам. Айниқса, янги рақамли телефон станциялари, интернет ҳамда рақамли телевиденини одамларга етказиш масаласи авж олган. Юқорида ҳамкорлик деган гапни ишлатдик. Ахир алоқачиқо телекомчилар бир сафда бўлмасалар, ютук бўладими?! Қолаверса, халқимизга намунали хизмат қилиш бурчимиздир. Бу эса, катта масъулиятни талаб қилади.

Бугунги кунда Нанай, Навкент, Заркент, Мамайдаги тармоқ раҳбарлари О.Отахонов, М.Ғаниев, Э.Қамбаров, Т.Йўлдошевлар ўз жамоалари билан кимўзарга ишлаяпти. 187 минг нафар аҳоли яшайдиган туманда алоқа хизматини аъло даражага кўтариш ўз-ўзидан бўлмайди. Шунинг учун ҳам 45 нафар ипчи-хизматчининг барчаси сафарбар.

Бошлиқ ўрибосари С.Йўлдошев, мижозлар бўлими оператори Л.Ботирова, бош ҳисобчи Р.Дадабоев, касба уюшмаси қўмитаси раиси Р.Кенжабоевлар жойларга чиқиб, иш йўналишини ўрганиб, ҳар соҳада қўмақлашмоқдалар.

— Мустаҳкам оила йилида янада мустаҳкам бўлишимиз, барча аҳил бўлиб яшати лозим, — дейди О.Зиёев. — Ўзимнинг тўрт нафар фарзандим бор. Улар олий ўқув юртларида, касб-хунар коллежларида ўқишяпти. Турмуш ўртоғим Насибхон билан дилбандларимизга бор меҳримизни бериб, мустақил элимизга садоқат руҳида тарбияляяпмиз.

...Энди боғлама раҳбари ҳақида икки оғиз сўз. Обидхон Зиёев Тошкент электротехника алоқа институтини аъло баҳоларга битирган. Оддий электромонтёрликдан фаолиятини бошлаган фидойи инсон. Соҳада 28 йилдан бунёд сидқидилдан меҳнат қиляпти.

Бир йиғилишда Янгиқўрғон тумани ҳокими:

— Обидхон ака, ишингиз ҳам, ўзингиз ҳам яхшисиз. Бугунги раҳбар ана шундай бўлиши лозим, — деганди. Биз ҳам: "Тўғри йўл сизга мададкор бўлсин!", деймиз.

Пўлат ҲАМДАМ,
"Xabar"нинг
Наманган вилоятидаги мухбири

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиалининг навбатдаги ййгилиши "Маънавият соати"дан бошланди. Унда филиал бўлим бошлиғи Шакарбек Казаков газал мулкнинг султони, мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллиги муносабати билан "Навоий ижодининг тарбиявий аҳамияти" мавзусида маъруза қилди. Шоир газаллари ҳамда шеърларидан намуналар ўқилди.

Фаолият янада такомиллаштирилади

Шунингдек, мажлисда асосий эътибор "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"дан келиб чиқадиган вазифаларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якуналари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" номли маърузасига қаратилди. Маърузадан келиб чиқадиган вазифалар хусусида филиал директори Йўлдошмурот Жўлиев батафсил тўхтади.

Бундан ташқари, пенсия ва ижтимоий тўловларнинг қонуний амалга оширилиши ва назорати ҳамда пенсия маблағларининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам ййгилиш кун тартибидан жой олди. Филиалнинг барча йўналишлар бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш масаласида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

Давра суҳбати

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида талаба ёшлар ва ўқитувчилар иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатига 9203-сонли чегара қўшинлари харбий қисми капитани Н.Ражапов, кичик сержантлар Б.Қурбонов, А.Солиев ҳамда олдий аскарлар К.Олимбоев ва А.Шарабиддиновлар таклиф қилинди. Суҳбат чегара хавфсизлиги ва Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари мавзусига бағишланди.

Талабаларни қизиқтирган саволларга капитан Н.Ражапов батафсил жавоб берди.

А.САЛАЕВ,
Ҳоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюммаси қўмитаси йўриқчиси

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини ривожлантиришда АКТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги "2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизмати кўрсатишни сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1487-қарори ижросини таъминлаш ҳамда мутахассис кадрлар малакасини ошириш мақсадида вилоят миқёсида "Ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини ривожлантириш" мавзусида ўқув-амалий семинарлари ўтказилмоқда.

Яқинда Андижон вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорликда Жалақудуқ педагогика ижтимоий-иқтисодиёт коллежида семинар ўтказди.

Семинарнинг коллеж директори И.Бурхоннова очиб, тренингни мақсад ва вазифалари ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди. Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасининг методик хизмат бўлими бошлиғи А.Тўйчиёв юқоридаги қарорда белгиланган ва бу борада АРМлар олдида турган вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб, қарор юзасидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Семинарда Республика ўрта махсус касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ахборот-ресурс маркази раҳбари Н.Исаходжаева "Ўрта махсус касб-хунар таълими ахборот тизимини корпоратив тармоқ билан таъминлаш" мавзусидаги маърузасида корпоратив тизим ҳақида тўла маълумот берган бўлса, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази техник директори Ф.Саидов "Бугунги кунда KaDaTa дастурий таъминоти" мавзусидаги маърузасида электрон каталог яратишда KaDaTa миллий дастури ва унинг афзалликлари ҳақида гапириб, маърузалар юзасидан берилган саволларга батафсил жавоб берди.

Шундан сўнг Республика ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг янги алоқ дарсликларини яратиш ва улар билан таъминлашни ташкил этиш бўлими бошлиғи А.Авлиёкулов сўз олиб, ҳозирги кунда ахборот-ресурс марказлари китоб жамғармаларини бойитиш, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш даражасини кўтариш ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида тўхтади.

Бобур номидаги Андижон вилояти АКМ директор ўринбосари Н.Азнабаевнинг "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонунда ахборот-ресурс марказлари олди-га қўйилган вазифалар, амалга ошириладиган ишлар, муаммолар ва ечимлар" мавзусидаги маърузаси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Нигорахон Йўлдошева,
Бобур номидаги Андижон вилояти АКМ етакчи кутубхоначиси



Соҳамиз илдамлайверсин

ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ

Ассалому алайкум, газетанинг жонқуяр ижодкорлари, мана, яна сизларга мактуб ёзяман. Муболаа эмас, газетанингизнинг ҳар бир сонини кузатиб бораман. Негаки, бу бизни соҳанинг ягона газетаси.

Сизларга хат ёзишдан мақсадим эса, университетимизда амалга оширилган ишлар ва талабаларимиз ютуқлари ҳақида баён этиши эди.

Маълумки, қадрдон университетимиз нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам энг нуфузли илим даргоҳларидан биридир. У ўтган ярим асрдан ортиқ давр ичида 45 мингдан ортиқ юқори малакали алоқа муҳандисларини унорма қилдики, ҳозирги кунда уларни алоқа соҳасининг ҳар бир жабҳасида учратиши мумкин.

Биргина РРТ факултети миқёсида олиб кўрадиган бўлса, талабаларнинг билимларини янада мустаҳкамлаш учун ҳозирги кунда Санкт-Петербургда Давлат телекоммуникациялар университетидан "Радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари", "Радиоалоқа ва радиотехника", "Телевидение ва радиозинтириш", "Электроника" ва "Алоқа қурилмаларида электр таъминоти" кафедраларига лаборатория ишлари учун янги стендлар келтирилиб ўрнатилди. Бундан ташқари, анчадан бери муаммо бўлиб келадиган давлат тилидаги дарсликлар масаласида ҳам анчагина ютуқларга эришилди. Жумладан, А.Абдуазизов "Электр алоқа назарияси", А.Абдуазизов, Д.Давронбеков "Радиоузатиши ва радио қабул-лаш қурилмалари", М.Зуфаров, Т.Раҳимов "Радиозинтириш", М.Санаев, У.Алиев, Ф.Қодиров "Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти", Х.Арипов, А.Абдуллаев, Х.Бўстинов, Н.Алимова, Ш.Тошматов "Электроника" каби номлардаги ўзбек тилидаги дарсликлар "Фан ва технологиялар" нашриетида чоп этилди ва мазкур дарсликлардан республика миқёсида кенг фойдаланилмоқда. Уштан 2011 йилда яна олтинта фандан дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзиб тузатилади, муҳокамадан ўтказилиб, чоп этиши учун тавсиялар олинди.

РРТ факултети талабаларининг ютуқлари ҳақида айтадиган бўлсам, улар орасида ҳам аъло ўқишлари, илмий изланишлари ва намунали хулқи билан

ижобий натижаларга эришганлари талайгина. Жумладан, "Рақамли телевидение ва радиозинтириш" мутахассислиги 2-босқич магистранти Ҳабибулло Носиров Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиби (илмий изланиши — "Телевизион дастурларнинг товуш сигналларини ўзгартриш усулларини ўрганиш", республика ва халқаро ИТКда ўн олтидан ортиқ илмий мақоласи чоп этилган), "Радиотехника" йўналиши 4-босқич талабаси Асрор Абдурахмонов Беруний стипендияси соҳиби (илмий изланиши — "Кенг polosали симсиз алоқа тизимларидан самарали фойдаланиш", республика ва халқаро ИТКда учта илмий мақоласи чоп этилган), "Радиотехника" йўналиши 4-босқич талабаси Кирилл Деревенцев Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги стипендияси соҳиби (илмий изланиши — "Телерадио дастурларни захиралаш усуллари, товуш ва видеотасвирларни сиқши", республика ва халқаро ИТКда ўндан ортиқ илмий мақоласи чоп этилган) бўлиши.

Сир эмас, ҳозир ҳаётини телефон, радио, телевидение, интернетсиз тасавур қилиб бўлмайди. Алоқа ва ахборот технологиялари турмушимизда, иқтисодиётда, тиббиёт, ҳарбий мақсадларда, милиция, авиация, хуллас, ҳар соҳада керак ва зарур. Унга бўлган эътибор ҳам, эҳтиёж ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда қўшни давлат ёки қитъалар билан алоқа қилинмоқда, рақамли телевидение HD форматда ўта юқори тиниқликда тўғридан-тўғри олиб кўрсатилмоқда, мобил телефон ва интернет имкониятларидан юқори даражада фойдаланилмоқда. Телекоммуникация ва ахборот технологияларининг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида йиллар эканман, келажакда соҳада янада катта ютуқлар, ривожланиш бўлишини тилаб қоламан.

Маҳбуба СУЛТОНОВА,
Тошкент ахборот технологиялари университети
"Радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари"
кафедраси катта ўқитувчиси

Навоий шарафи яшар муқаддас...

Мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирлар султони Алишер Навоий асарлари қарийб олти асрим замон ва макон чегараларини билмайди. Ўқиб-ўрганиш, улардан маънавий озуқа олишга бўлган иштиёқ асло сўнган эмас, сўнмайди ҳам. Аксинча, бугунги кунда у миллат эҳтиёжига айланди, дейишга тўлиқ асос бор.

"Улуғ меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, маънавиятни юксакликка кўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик кудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Айни пайтда бу вазифа илгари ҳам айтганимдек, ҳар биримизни Навоийни янада геранрок ўрганишга, унинг умр дафтаридан ибрат ва сабоқлар олиб яшашга даъват этади".

Бу сўзларни Юртбошимиз улуғ шоирнинг 560 йиллик тўйида — Навоий шаҳридаги Алишер Навоий ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган тантанали маросимда айтган эди. Дарҳақиқат, Навоий мероси халқимиз учун сунъч, таянч, ҳар ишда маддакорлигини қалбан сезмаган инсон йўқ.

Айни кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб улуғ шоир таваллудининг 571 йиллигига бағишланган тантаналар давом этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Навоий шаҳридаги "Ширин" маданият саройида бўлиб ўтди. Навоий қончилиқ коллежи ташаббуси билан ташкил этилган "Алишер Навоий меросининг ёш авлод маънавий тарбиясидаги аҳамияти" мавзусидаги ушбу анъанавий республика илмий-амалий конференцияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилди.

Навоий қончилиқ коллежи директори, филология фанлари номзоди Улуғбек Сатторов бошқарган мазкур анжу-

манда Навоий Давлат педагогика ҳамда Навоий Давлат қончилиқ институтлари олим ва профессорлари, шаҳардаги касб-хунар коллежларининг маънавият бўйича директор ўринбосарлари, ахборот-ресурс марказлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шаҳар жамоатчилиги ва талабалар иштирок этишди.

Тадбирда Навоий Давлат педагогика институти ректори, сенатор, педагогика фанлари доктори, профессор Холбой Ибрагимов, профессор Сулаймон Иноятовларнинг "Навоийликларнинг буюк шоирга эҳтироми", Ўзбекистон Фанлар Академияси А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институтининг илмий котиби, филология фанлари доктори Раҳматулла Баракаевнинг "Алишер Навоий ижодида маърифийлик-таълимийлик", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Маматқул Жўраевнинг "Алишер Навоий ва халқ ижодиёти", СамДУ профессори Бекпўлат Йўлдошевнинг "Алишер Навоийнинг ўзбек тили таракқиетидаги ўрни", ЎзФА тил ва адабиёт институтининг етакчи илмий ходими,



филология фанлари номзоди Эргаш Очиловнинг "Навоий ҳикматларининг мавзу кўлами", Навоий Давлат педагогика институти доценти, филология фанлари номзоди Тохир Хўжаевнинг "Хамса сабоқлари", ЎзФА тил ва адабиёт институти илмий ходими Шаҳодатбону Имомназарованинг "Навоий ижодининг ёш авлод тарбиясидаги ўрни" мавзусидаги маърузалари тинланди. Навоий асарларининг умри яхшиликда боқийлиги, эзгуликда абадийлиги таъкидланди.

Маруся ҲОСИЛОВА

Ҳазрат Навоий ге'гуларку...

Одам аҳди, билангузкум,
иш эмас душманлига,
Ёр ўлинг бир-бирингузгакум,
эрур ёрлига иш!

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК
Бухоро филиали, вилоят
алоқа ходимлари
бирлашган касоба
уюшмаси қўмитаси,
Кодон туман
телекоммуникациялар
боғламаси жамоалари
ушбу боғлама 1-тоифа
муҳандиси Саттор
ЖўРАЕВни муборақ 60
ёши билан чин юракдан
табриклар, унга узоқ
умр, соғ-омонлик,
фарзандлар камолни
кўришликни тилайди.
...
"Ўзбектелеком" АК
Фарғона филиали
жамоаси филиал ходими
Галия ИСМОИЛОВА
ҳамда Қўқон
телекоммуникациялар
боғламаси ходими
Раҳимжон ВАЛИЕВни
50-баҳорни қарши
олаётганликлари билан
табриклар, уларга соғ-
омонлик, узоқ умр,
фарзандлар камолни
кўришликни тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладик, Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"Toshkent metropoliteni" давлат унитар корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002011 рақамли;

"KVANT-TELECOMMUNICATION" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (радиотелефони, транкли) алоқа тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001838 рақамли;

"FON" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган (қайта расмийлаштирилган) АА серияли 0003853 рақамли;

"PRENOS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойihalаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002528 рақамли;

"O'zbekiston temir yo'llari" давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003662 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 3 февралдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандларига асосан:

"ELEKTRTARMOQQURILISH" очик акциядорлик жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга 2011 йил 23 февралда берилган АА серияли 0003543 рақамли;

"LOGIFIER PLUS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга 2011 йил 27 майда берилган АА серияли 0003704 рақамли;

"NODIRA NARGIZA LOBARLAR" фирмасининг (Қашқадарё вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятга 2011 йил 8 июнда берилган АА серияли 0003720 рақамли;

"NINI KITTY" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятга 2011 йил 6 июлда берилган АА серияли 0003755 рақамли;

"GALACT BUILDING" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга 2011 йил 3 августда берилган АА серияли 0003781 рақамли;

"ALL SAIDJAMOL TRADING" масъулияти чекланган жамиятининг (Фарғона вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятга 2011 йил 2 сентябрда берилган АА серияли 0003827 рақамли;

"AKBAR & DEGREZ" масъулияти чекланган жамиятининг (Андижон ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятга 2011 йил 6 сентябрда берилган АА серияли 0003833 рақамли;

"SAM VEYRON" хусусий корхонасининг (Самарқанд ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятга 2011 йил 6 сентябрда берилган АА серияли 0003834 рақамли лицензиялар 2012 йил 3 февралдан бекор қилинди.



Дзюдо

Парижда мадҳиямиз янгради

4-5 феврал кунлари Париж шаҳрида дзюдо бўйича 2012 йилги "Улкан тож" туркумига кирувчи турнирларнинг дастлабки мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада 97 давлатдан келган 594 нафар дунёнинг энг сара полвонлари татамида ғолиблик учун баҳс юритдилар.

Ушбу халқаро турнирда ватанимиз шарафини 13 нафар спортчимиз ҳимоя қилди.

Мусобақада Ришод Собиров ўтказилган бешта беллашувнинг барчасида ғалаба қозониб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Яна бир вақимиз Дилшод Чориев ҳам бирин-кетин барча рақибларини соф ғалаба билан енгиб, Париж шаҳрининг мухташам "Белси" спорт саройида Ўзбекистон байроғи иккинчи бор баланд кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграгани таъминлади.



Оғир вазндаги полвонлар беллашувида жаҳоннинг мутлак чемпиони Абдулла Тангриев (+100 кг.) ва Рамзиддин Саидовлар (100 кг) бронза медалли совриндори бўлдилар.

Шу тариқа иккитадан олтин ва бронза медалларини қўлга киритган терма жамоамиз 97 давлат орасида Япония (5-1-3), Франция (2-1-4) ва Монғолия (2-0-3) жамоаларидан кейин 4-ўринни эгаллади.

Кураш

Ўзбек курашининг доврўғи ортмоқда

Кураш халқаро ассоциацияси 2011 йилги спорт мавсуми якуллари юзасидан қатор номинациялар бўйича ғолибларни эълон қилди.

2011 йилги мавсум кураш оламида муҳим воқеаларга бой бўлди. Лондон шаҳрида июн ойида ўтказилган кураш бўйича "Ислом Каримов" анъанавий халқаро турнири КХА томонидан 2011 йилнинг "Энг яхши турнири", деб топилди.

Осиё олимпия кенгашининг Бош Ассамблеяси қарорига кўра, курашнинг дунё миқёсида жадал ривожланаётган спорт тури сифатида 2013 йилги Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида ёшк иншоотларда ўтказиладиган ҳамда жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинлари дастурига расман киритилгани ўтган йилнинг "Энг муҳим воқеаси", деб қайд этилди. Бу курашнинг



Олимпия ўйинларига киритилиши сари қўйилаётган дадил қадамлардандир.

Октябр ойида Термиз шаҳрида катталар ўртасида ўтказилган VII жаҳон чемпионати эса йилнинг "Энг яхши чемпионати" сифатида эътироф этилди. Дунёнинг элликдан зиёд мамлакатидан энг сара полвон-

лар ғолиблик учун куч синашган мазкур нуфузли мусобақада 73 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган хамюртимиз Шерали Тўраев "Энг яхши техникаси учун" номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

Термиздаги жаҳон чемпионатида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган эронлик полвон Хожат Рахнамажозов ва хотин-кизлар ўртасида жаҳон чемпиони Таниа Даргент (Жанубий Африка Республикаси) йилнинг энг яхши полвонлари деб топилди. Шунингдек, "Курашнинг энг яхши тарғиботчиси", "Энг яхши федерация", "Энг яхши конфедерация", "Энг яхши ҳакам", "Энг яхши мураббий", "Кураш фидойиси", "Энг яхши журналист" сингари номинациялар бўйича ҳам ғолиблар эълон қилинди.

Футбол

Муҳим уч очко

"Жар" стадионида бўлиб ўтган Лондон-2012 Олимпиадаси саралаш бахслари доирасидаги Австралия ОТЖга қарши ўйини Вадим Абрамов шогирдлари муҳим уч очкони қўлга киритди.

Ўзбекистон — Австралия — 2:0

Голлар: Кенжа Тўраев (27), Олег Зотеев (86).

Ушбу ғалабадан кейин олимпиячиларимиз 8 очкога эга бўлиб турибди. Саралаш доирасидаги навбатдаги учрашув 21 феврал куни сафарда Ироққа қарши бўлиб ўтади.

Гуруҳнинг тўртинчи тур учрашувларидан сўнг терма жамоамиз яққол пешқадамга айланиб олганди. Аммо чоршанба куни Ироқ олимпия терма жамоаси билан боғлиқ машава юзга келди.

Маълум бўлишича, учинчи тур баҳсида Ироқ таркибида дисквалификация қилинган футболчи БАА олимпия терма жамоасига қарши майдонга тушганлиги исботланган ва ФИФА Бирлашган Араб Амирликлари олимпия терма жамоасига 3:0 ҳисобида техник ғалаба ёзди. Ўша учрашувда ироқликлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишган эди.

Эндиликда амирлик футболчиларининг очкolari сони худди Ўзбекистон олимпия терма жамоасиники сингари 8тага етди. Тўғилар нисбати ҳам бир хил кўриниш ҳосил қилди.

Тайёргарлик давом этади

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Ироққа қарши ўйинга тайёргарлик кўриш учун 10 феврал куни БААнинг Дубай шаҳрига жўнаб кетади.

Дубайдаги йилги давомида терма жамоамиз 11 феврал куни Филиппин миллий терма жамоасига қарши майдонга тушади. Сўнг делегациямиз Уммонга йўл олиб, 16 феврал куни мамлакат олимпия терма жамоаси билан баҳслашади. 18 феврал куни Вадим Абрамов шогирдлари Қатар пойтахти Дохага йўл олишади. Ироқ олимпия терма жамоасига қарши ўйин айнан Қатарда 21 феврал куни бўлиб ўтади.

Жанубий Корея билан ўртоқлик учрашуви

Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса 25 феврал куни Жанубий Кореяга қарши ўртоқлик учрашувини ўтказди. Жамоа 22 феврал куни Сеулга учиб кетади.

Ўртоқлик учрашуви Корея вақти билан соат 14:00 (Тошкент вақти билан соат 10:00)да бошланади.

Корея билан ўйин ўтганидан кейин, делегация 26 феврал куни Япониянинг Нагоя шаҳрига учиб кетади. У ерда 29 феврал куни Япония терма жамоасига қарши саралашнинг сўнгги ўйини ўтказилади.

Бокс

Халқаро турнирдан медаллар

Ўзбекистонлик боксчилар Қирғизистонда ўтган халқаро турнирда биттадан олтин, кумуш ва бронза медални қўлга киритишди.

Вазни 81 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида олтин медал ўзбекистонлик Ойбек Мамазуловга насиб этди.

Шаҳобиддин Зоиров оғирлиги 49 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида турнирнинг кумуш медалига, ёш боксчимиз Шохрух Хўжабеков эса 56 килограмм вазн тоифасида бронза медалга эга бўлди.



Ўтағларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти жамоаси Жамият бош директорининг биринчи ўринбосари Хатира Таджибаевага волида мухтарамаси

ТАСТАН аяниги

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама ва эълонлар

"BEST GLOBE REALTOR" МЧЖдан тўзатиш

"Xabar" газетасининг 2012 йил 27 январдаги 4 (1010)-сонининг 14-саҳифасида чоп этилган танлов хабарномасида Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (минимаркет, сартарошхона, гўзаллик салони, пайнет, қаҳвахона, интернет-кафе) куриш учун Когон шаҳар Машғал кўчаси худудида жойлашган умумий ер майдони 450,0 кв.метрдан иборат бўлган 1та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 90 200 сўм,

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (минимаркет, пайнет, интернет-кафе) куриш учун Когон шаҳар М.Таробий кўчаси худудида жойлашган умумий ер майдони 230,0 кв.метрдан иборат бўлган 1та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 96 730 сўм, деган жумлалари:

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (минимаркет, сартарошхона, гўзаллик салони, пайнет, қаҳвахона, интернет-кафе) куриш учун Когон шаҳар Машғал кўчаси худудида жойлашган умумий ер майдони 450,0 кв.метрдан иборат бўлган 1та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 202 950 сўм,

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (минимаркет, пайнет, интернет-кафе) куриш учун Когон шаҳар М.Таробий кўчаси худудида жойлашган умумий ер майдони 230,0 кв.метрдан иборат бўлган 1та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 103 730 сўм, деб ўқилсин.

"Танлов ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти.

Аукцион савдолари мавзиви: 200100, Бухоро шаҳри, Муस्ताқиллик кўчаси, 10-уй.
Лицензия RR 0029, E-mail: bg_realtor@list.ru, тел.: +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.
Ҳизматлар лицензияланган.

14-FEVRAL — ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR TAVALLUD TOPGAN KUN



"Бобур беқиёс даражада маданий, дилбар шахслардан бири эди. У мазҳабпарастликка хос маҳдудлик ва диний мутаассибликдан йироқ эди. Бобур санъат ва адабиётга қизиққан, ўзи туркий ва форс тилида шеърлар битар эди. У гуллар ва боғларни севар ва жазирама Ҳиндистонда Ўрта Осиёдаги Ватанини тез-тез эслаб турарди".

Бобур — дилбар шахс...

Жавоҳарлаъл НЕРУ.

Бобур асарлари, аниқска, "Бобурнома"ни мутолаа қилар эканмиз, бир таажжуб ва ҳайрат бизни ўйга толдиради: нима ҳақида, ким ҳақида фикр юритмасин, муаллифни фақат рост, ҳақиқатни сўзлашга нима мажбур қилган?

Мулоҳаза қилиб кўрайлик: кўшиб-қатиш, бўяб-бежаш, муболаға билан тасвирлаш қадимда ҳам бўлган, ҳозир ҳам йўқ эмас. Мактов ҳаммага ёққан, танкидий баҳо кўпинча маъқул кўрилмаган. "Тўғрисўз тукқанинга ёқмас", нақли бежиз тўқилмаган, албатта.

Бизнингча, шох ва шоир Бобурни рост сўзлашга ундаган асосий сабаблар қуйидагилар:

Авалло, ҳақиқатга ташналик Бобурнинг ўзида, ўзлигида, тийратиди бўлган.

Иккинчидан, ёшлик чоғлариданок буюк замондоши Алишер Навоий

ҳаёти ва ижодига қизиққан, ихлос кўйган, ҳар бир асарини диққат билан ўрганиб чиққан. Навоий эса, "ўзи поку сўзи поку кўзи пок" мезонига қаттиқ амал қилган, бошқаларда ҳам шу фазилатни кўришни истаган ва орзу қилган зот эди. Бинобарин, бу борада Навоий руҳида рухонийлик тарбия топган.

Учинчидан, ҳали болалик чоғида-ноқ тахт эгаси бўлгани учун сотқинлик, иккиюзламачилик, алдов-риё, мунофиқлик намуналарини жуда кўп кўрган. Отанинг ўғлига, ўғилнинг ота-онаси ва ака-укаларига бемехрлиги, ёвузлигининг гувоҳи бўлган.

Тўртинчидан, буюк бобокалони Амир Темури ва иродали темурийлар сулоласининг бир вакили сифатида фахр-ғурури туйғулари билан яшагани боис, ёлғон сўзлашдан нафратланган.

Бешинчидан, шойрона қалб таъсирчанлик, романтик шижоат соҳиби

бўлгани учун ёлғон-яшиққа юз тутишдан ор қилган.

Олтинчидан, у замонасининг қилни қирқ ёрадиган, кенг фикрли олими ҳам эди. Ўз замонанинг барча фанларидан хабардор шахслардан бири эди. Олимлик эса ҳалоллик, ростгўйлик, аниқлик талаб қилишини Бобур яхши тушунарди.

Еттинчидан, гарчи ўзи давлат арбоби бўлса ҳам, дунёни ўткинчи деб билар, ҳою-ҳавасга берилишни истамас эди. Билимдон шахс сифатида ўзигача бўлган илғор таълимотларни пухта ўрганган Бобур, табиийки, тасаввуф таълимоти, ҳусусан, Нақшбанд ўғитларини чуқур ўзлаштирган, "Шоҳ ва дарвеш" ҳақидаги ибратомуз ҳикमतлардан хабардор эди. Шундай экан, Навоийнинг Хусайн Бойқаро ҳақидаги:

Шоҳлар дарवेशию, дарवेशлар шохики хақ

Шоҳ қилди сувратин, дарвеш қилди сийратин, қаби дурмаъно мисраларини ёддан билган ва улар

таъсирида яшаган.

Саккизинчидан, ўз асрининг қомил инсон сифатида ислом ақидаларига қатъий риоя қилган, Куръону қарим ва ҳадиси шариф ғояларини теран англаган, бинобарин, рост сўзлашни иймонлилик мезони деб ҳисоблаган.

Тўққизинчидан, тафаккур ва заковат эгаси сифатида олис келажакка етиб боришга ишongan, ким бўлмасин келажак авлод олдиди бир кун келиб албатта ҳисоб беражанини аниқ ҳис этган.

Рост сўзлаш, фақат ҳақиқатни айтиш, имкон қадар аниқликка эришиш унинг шеърини ҳам кучли таъсир этган эди. Биографик характердаги ҳасби ҳолларда ҳам, анъанавий ғазалларида ва рубоийларида ҳам унинг оз ва соз сўзлаш билан бир қаторда, ҳаминша рост сўзлашга интилангани сезиб турамыз.

Набижон СОЛИЕВ,
Гулнора ҚУЧҚОРОВА,
ТАТУ Фаргона филиали доцентлари

Ўзимга, қарзимга ва қарзга

Қадимда тақводор бир киши бўлиб, ҳар куни новвойхонадан нон олар, нонларни эса уч хил халтага саралаб солар экан. Энг сифатли, кизариб пишганларини алоҳида халтага эҳтиётлаб, эзилмайдиган қилиб жойлаштирар, қолганларини иккига бўлиб иккита халтачага жойлар экан.



Бу ҳол новвойнинг эътиборидан четда қолмабди ва кунларнинг бирида у кишидан сўрабди:
— Биродар, нима учун сиз нонларни уч қисмга бўлиб олиб кетасиз? Уларни бир идишга жойласангиз ҳам бўлади-ку! Қолаверса, уларни қимларга бўласиз?
— Эй, дўстим, бу ишни фарзандларимни тарбияламоқ ҳамда мен учун азиз бўлган инсонларни хурсанд қилмоқ мақсадида қиламан. Нонларнинг бир қисмини аёлим билан ўзимга, энг сараларини

қарзимга, бир қисмини қарзга бераман.
— Аёлингиз билан ўзингизни тушундим. Лекин қимнинг қарзини узаётганингиз ва кимга қарз бераётганингизни тушунмадим, тақсир.
— Сара нонларни мени меҳр билан катта қилган, ўзи емай едирган, ўзи киймай кийдирган ота-онамга бераман. Зеро, уларни кекса холларда кўнгилларини олмоқ, энг сифатли таомлар билан сийламоқ менинг бурчимдир. Қолган нонларни фарзандларимга бераман ва бу ишни улар кўз олдиди амалга ошираман. Токи, ота-онага қариган холларида хизмат қилмоқ уларнинг бурчи эканлигини тушуниб етишиман. Ахир, қуш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтмайдилар.
Новвой бу кишининг билимдонлиги олдиди дол қолибди.

БИЛАСИЗМИ?

Дунёда 375000 хил турдаги ўсимлик бўлиб, шундан 250000 таси гуллайдиган ўсимликлардир. Ҳар бир ўсимлик ўзига хослиги билан ажралиб туради. Қуйида ер юзидида "энг, энг, энг" деган рўйхатга кирган ўсимликлар ҳақида маълумот бериб ўтамиз...

Энг қадимги ўсимлик, бу — денгиз ўтлари бўлиб, улар бир миллиард йилча муқаддам ер юзасида пайдо бўлган.

Ҳиндистонда шундай анжир дарахти борки, унинг соясида 7 минг киши бемалол дам олиши мумкин. Унинг уч мингга яқин қалтама шохи бор. Тарихда ёзилишича, ушбу дарахт Александр Македонский Ҳиндистонга юриши қилган пайтида ҳам бўлган экан. Бундан келиб чиқадики, у уч минг ёшга кирган.

Олимларнинг таъкидлашича, ер юзидида энг қадимги ўсимлик — замбуруғлардир. Антарктидадаги замбуруғларнинг ёши 10 мингга яқинлашган бўлса, Алжакдагилари 9 мингга яқин. Замбуруғлар ҳар юз йилда 3,4 сантиметрга ўсади.

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХУҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.</p>
	<p>Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Мавзуси: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-252 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Алади: 18314 нусха.</p>
<p>Вилоят муҳбирлари:</p> <p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулистонда 40-12-19</p> <p>Жиззахда 226-06-34</p> <p>Навоийда 225-91-10</p> <p>Наманганда 232-97-86</p> <p>Нукусда 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p> <p>Урганчда 226-37-16</p> <p>Фарғонада 224-91-56</p> <p>Қаршида 314-08-99</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>	<p>1 2 3 4 5</p>